Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 2 No. 2 (2026) · "Milliy statistika tizimida yangi bosqich: barqaror rivojlanish maqsadlari, xalqar... DOI: 10.5281/zenodo.24319677

"MILLIY STATISTIKA TIZIMIDA YANGI BOSQICH: BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARI, XALQARO STANDARTLAR VA ZAMONAVIY TENDENSIYALAR"

ДАВЛАТ МОЛИЯСИ СТАТИСТИКАСИ: ЖОРИЙ ҲОЛАТ ВА ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАРИ

АРТИКОВ БАХТИЁР МАХКАМОВИЧ
ТДИУ мустақил изланувчиси, *ORCID: 0009-0001-2188-5202*
bahtiyorartikov1981@mail.ru / +998-97-404-65-35

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда натижага йўналтирилган бюджетлаштиришни жорий этишнинг муҳим омили ҳисобланган давлат молиясини бошқариш тизимини халқаро стандартлар ҳамда Халқаро валюта жамғармасининг «Давлат молиявий статистикаси»га мувофиқлаштириш бўйича амалий ишлар ва натижалар сарҳисоб қилиниб, истиқболли йўналишлар баён этилган.

Калит сўзлар: *Халқаро валюта жамғармаси, давлат молиясини бошқариш, давлат молиявий статистикаси, давлат молияси, бюджет очиқлиги.*

Аннотация: В данной статье подведены итоги практической работы и достигнутых результатов, а также изложены перспективные направления дальнейшего развития по приведению системы управления государственными финансами Узбекистана в соответствие с международными стандартами, а также требованиям «Статистики государственных финансов» Международного валютного фонда, что является важным фактором внедрения бюджетирования ориентированного на результат в стране.

Ключевые слова: *Международный валютный фонд, управление государственными финансами, статистика государственных финансов, государственные финансы, бюджетная открытость.*

Abstract. This article summarizes the outcomes of the practical work carried out and the results achieved, and also outlines prospective directions for further development aimed at aligning Uzbekistan's public financial management system with international standards and the requirements of the International Monetary Fund's Government Finance Statistics framework, which is an important factor in the implementation of results-oriented budgeting in the country.

Keywords: *International Monetary Fund, Public Finance, government finance statistics, public finance, budget transparency*

Кириш.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат бошқарувини модернизация қилиш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва давлат молияси тизимини халқаро стандартлар асосида қайта шакллантириш бўйича кенг қамровли ислоҳотлар

Published: 05.06.2026

Cite this article: Артиков Бахтиёр Махкамович (2026). Давлат молияси статистикаси: жорий ҳолат ва истиқболли режалари. Emro Science and Education, 2(2). https://doi.org/10.5281/zenodo.24319677

© 2026 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

амалга оширилмоқда. Айниқса, давлат молиясини бошқариш тизимида очиқлик, шаффофлик, самарадорлик ва ҳисобдорлик тамойилларини жорий этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинди. Бу жараёнда қатор халқаро ташкилотлар жумладан, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки каби халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлат молиясини бошқариш тизимини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда бюджет интизомини кучайтириш, давлат маблағларидан самарали фойдаланиш, фискал хавфларни камайтириш ва аҳолининг давлат бошқарувига бўлган ишончини мустаҳкамлашга эришилади.

Асосий қисм, натижа ва мунозаралар.


Айтишимиз мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда давлат молиявий статистикасини Ҳалқаро Валюта Жамғармасининг «Давлат молиявий статистикаси қўлланмаси» — GFSM-2014 талаблари асосида ташкил этиш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда давлат молияси соҳасидаги туб бурилишлардан бири — бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш ва фуқаролар иштирокини кучайтиришга қаратилган сиёсат бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги «Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3917-сон қарори бу борадаги муҳим ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилмоқда. Мазкур қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тузилмасида Давлат молиявий статистикасини юритиш ва бюджет очиқлигини таъминлаш бўлими ташкил этилди.

Ушбу бўлимнинг ташкил этилиши давлат молияси статистикасини юритиш тизимини институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш, бюджет маълумотларини аҳоли учун очиқ ва тушунарли шаклда тақдим этиш, шунингдек, халқаро молиявий ҳисобот стандартларини миллий амалиётга жорий қилишда муҳим қадам бўлди.

IQTISODIY STATISTIKA KAFEDRASI

“MILLIY STATISTIKA TIZIMIDA YANGI BOSQICH: BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARI, XALQARO STANDARTLAR VA ZAMONAVIY TENDENSIYALAR”



1-расм. Ўзбеккистонда давлат молия статистикаси тизимини жорий этилиши

Бу орқали давлат молияси соҳасида халқаро тажриба ва замонавий ёндашувларни татбиқ этиш учун мустаҳкам пойдевор яратилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда бюджет харажатлари очиқлигини таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Фуқаролар учун бюджет» нашрлари мунтазам чоп этилмоқда. Ушбу нашрлар орқали аҳоли давлат бюджети даромадлари ва харажатлари, ижтимоий соҳаларга йўналтирилаётган маблағлар, ҳудудий дастурлар ҳамда давлат инвестиция лойиҳалари ҳақида содда ва тушунарли маълумотларга эга бўлмоқда. Бу эса аҳолининг бюджет жараёнидаги хабардорлигини ошириш билан бирга, жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, «Очиқ бюджет» ахборот портали фаолияти йўлга қўйилиши давлат молияси шаффофлигини таъминлашда мутлақо янги босқичга олиб чиқди. Мазкур портал орқали бюджет ташкилотларининг харажатлари ижроси, бюджетдан ташқари маблағлар тушуми ва сарфи, давлат харидлари ҳамда тендер жараёнлари ҳақидаги маълумотлар туман ва шаҳарлар кесимида жамоатчиликка тақдим этилмоқда. Энг муҳими, мазкур тизим фуқароларнинг бюджет жараёнида бевосита иштирокини таъминлаб, ташаббусли бюджетлаштириш механизмларини амалиётга жорий қилди.

IQTISODIY STATISTIKA KAFEDRASI

Ташаббусли бюджетлаштириш амалиёти мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, аҳолининг давлат бошқарувидаги иштирокини кучайтириш ва маҳаллий муаммоларни аҳоли фикри асосида ҳал этишнинг самарали механизмига айланди. Бугунги кунда аҳоли томонидан билдирилган таклифлар асосида минглаб ижтимоий лойиҳалар амалга оширилиши давлат маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширилиши билан бирга, давлат ва жамият ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Давлат молияси тизимидаги муҳим янгиликлардан яна бири — давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари ижроси бўйича маълумотларнинг мунтазам эълон қилиб борилишидир. Бугунги кунда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар ҳар чорак якуни бўйича давлат дастурлари ижроси ҳақидаги маълумотларни ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириб бормоқда. Бу эса давлат инвестиция дастурларининг очиқлиги ва ҳисобдорлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Шу билан бирга, давлат мақсадли жамғармалари, ҳудудий бюджет ташкилотлари ва бошқа бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан бюджет маблағлари тақсимоти, даврий молиявий ҳисоботлар, субсидия ва кредит олувчилар, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар ҳамда давлат харидлари бўйича маълумотларнинг мунтазам эълон қилиб борилиши давлат молияси тизимида очиқлик ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилмоқда.



2-расм. Ўзбекистонда фискал шаффофликни таъминлашга доир халқаро ташкилотлар талаблари ижроси

Мамлакатимизда давлат молиявий статистикасини халқаро стандартлар асосида юритиш борасида ҳам муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Миллий умумлаштирилган маълумотлар саҳифаси» Ҳалқаро валюта жамғармаси расмий веб-сайтида очилди. Унда мамлакатимизнинг макроиқтисодий ва ижтимоий статистик кўрсаткичлари халқаро ҳамжамият учун эълон қилиб борилмоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсати очиқлиги ва халқаро рейтинглардаги нуфузини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан давлат бюджети ижроси бўйича йиллик ва чораклик ҳисоботларни халқаро стандартларга мувофиқ шаклда тайёрлаш ва эълон қилиш тизими йўлга қўйилиб, бу орқали давлат молиявий ҳисоботларининг халқаро таққосланувчанлиги таъминланмоқда.

Давлат молиявий статистикасини халқаро стандартларга мослаштиришда GFSM-2014 қўлланмаси муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу қўлланма асосида бюджет харажатларини таснифлаш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилиб, 2019 йилда тасдиқлангани давлат молияси ҳисобини юритишда янги босқични бошлаб берди. Мазкур ҳужжат давлат молияси операцияларини халқаро стандартларга мувофиқ ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва тақдим этиш имконини яратди.

2025 йил февраль ойида Президентимиз томонидан статистика тизимини янги босқичга олиб чиқиш бўйича қабул қилинган Фармон ва қарор мамлакатимизда расмий статистика тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган муҳим сиёсий ҳужжатлар бўлди. Уларда халқаро даражада тан олинган расмий статистиканинг асосий принциплари асосида сифатли, ишончли ва холис статистик маълумотларни шакллантириш, уларнинг шаффофлиги ва ошкоралигини таъминлаш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Айниқса, давлат молияси статистикасини такомиллаштириш соҳасида 2025 йилда Ҳалқаро валюта жамғармасининг кенгайтирилган маълумотларни тарқатишнинг умумий тизимидан (e-GDDS) Маълумотларни тарқатишнинг махсус стандартига (SDDS) ўтиш вазифаси белгиланган мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичга кўтарилаётганидан далолат бермоқда. Биламизки, SDDS стандартларига ўтиш мамлакат иқтисодиёти ҳақидаги маълумотларнинг халқаро молия бозорлари ва инвесторлар учун янада очиқ ва ишончли бўлишини таъминлайди.

Шу билан бирга, иқтисодиёт секторлари бўйича институционал бирликлар таснифлагичини халқаро тавсиялар асосида ишлаб чиқиш вазифаси давлат молияси статистикасининг аниқлиги ва қамровини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Бу орқали давлат секторидаги ташкилотларни бозор ва нобозор секторларга ажратиш, уларнинг молиявий фаолиятини халқаро стандартлар асосида баҳолаш имконияти яратилади.

Бугунги кунда Ҳалқаро валюта жамғармаси кўмагида SDDS талабларига мувофиқ маълумотларни шакллантириш тизимини жорий қилиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса мамлакатимизда статистик маълумотларни тайёрлаш, қайта ишлаш ва тарқатиш жараёнларини замонавий ахборот технологиялари асосида такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.



3-расм. Ўзбекистонда ХВЖнинг давлат молиявий статистика тизимини жорий этиш истиқболлари

2025 йил 8 апрелда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг «2025–2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 210-сон қарори эса давлат молияси соҳасидаги ислоҳотларнинг узоқ муддатли стратегик асосини белгилаб берди.

Стратегия доирасида давлат молиявий статистикаси ҳисоботларининг қамрови ва сифатини ошириш бўйича қатор муҳим вазифалар белгиланди. Хусусан, давлат улуши мавжуд барча корхоналарни секторларга ажратиш орқали бозор ва нобозор давлат корхоналари рўйхатини шакллантириш,

нобозор давлат корхоналарининг ҳисоботларини GFSM-2014 талабларига мувофиқ акс эттириш вазифаси белгилаб олинди. Бу эса, давлат секторидаги яширин фискал хавфларни аниқлаш ва баҳолаш имкониятини беради.

Хулоса

Давлат секторининг барча молиявий активлари ва мажбуриятларини қамраб олувчи молиявий балансни ҳар йили шакллантириш вазифаси эса мамлакат давлат молияси барқарорлигини комплекс баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. Бу орқали давлат активлари ва қарз мажбуриятларининг ҳақиқий ҳолатини аниқ баҳолаш имконияти яратилади.

Шу билан бирга, давлат молиявий статистикаси ҳисоботларини давлат молиясини бошқариш ахборот тизими орқали автоматлаштирилган тарзда тайёрлаш вазифаси рақамли давлат молияси тизимини шакллантиришда муҳим қадам ҳисобланади. Бу инсон омилини камайтириш, маълумотлар аниқлиги ва тезкорлигини оширишга хизмат қилади.

Давлат молияси соҳасида амалга оширилаётган мазкур кенг кўламли ислоҳотлар нафақат фискал интизомни кучайтириш, балки мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш ва хорижий инвесторлар ишончини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилмоқда.

Энг муҳими, мамлакатимизда давлат молиясини бошқариш тизимини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш орқали «инсон қадри учун» тамойилига асосланган очиқ, шаффоф ва халқчил давлат бошқаруви модели шакллантирилмоқда. Бу эса мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш ва барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Lee Jr., Robert D. Public Budgeting Systems / Robert D. Lee Jr., Ronald Wayne Johnson, Philip G. Joyce. 8-th.edition.P..13.

2. Pollitt C., Bouckaert D. Public management reform. A comparative analysis. Oxford.University.Press, 2004. R. 146–155.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4938 сон қарори // https://lex.uz/docs/5193227.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги «Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3917-сон қарори // https://lex.uz/docs/5193237.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги «2020-2024-йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 506-сон қарори // https://lex.uz/docs/4966572.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йилнинг 8 апрелдаги «2025 — 2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 210-сон қарори // https://lex.uz/uz/docs/-6721144.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикасида дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этишда бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет дастурларини ишлаб чиқиш, мониторингини юритиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 4-сон қарори // https://lex.uz/docs/6728568.

IQTISODIY
STATISTIKA KAFEDRASI
— Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti —